



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил  
26 апрель  
ЧОРШАНБА  
№ 33  
(11.836)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

## ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингх 25 апрель куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев рафиқаси билан қутиб олди. Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 26 апрель куни бўлиб ўтади. Икки давлат расмий делегациялари Ўзбекистон билан

Ҳиндистон муносабатларининг бугунги аҳоли ва иштироблари юзасидан фикр алмашдилар, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг раиси Х.Дўстмухамедов иккинчи ўқишда тақдим этган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар.

Қонун лойиҳасининг сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳокама чоғида оммавий ахборот воситалари муассисларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тахририятнинг ҳуқуқий ҳолати ва устави (низоми) мазмуни тўғрисидаги нормаларга эътибор қаратилди. Бунда депутатлар муассисларнинг оммавий ахборот воситалари-

нинг фаолияти учун жавобгарлиги тўғрисидаги масалани алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-тўғри ҳуқуқий тартибга солишга дахлдор нормалар кўриб чиқилди ва атофлича таҳлил этилди. Мажлисида сўзга чиққан депутатлар қонун лойиҳасининг нормаларини тақомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритдилар.

Қонун лойиҳаси батафсил муҳокама чоғида баён этилган мулоҳазалар ва таклифлар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказиш учун қайтарилди. Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатасининг муҳокамасига қайта иккинчи ўқишда киритилди.

Ў.А.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Пойтахтимизда акушерлик ва гинекология соҳасидаги долзарб вазифаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Акушерлик ва гинекология илмий-тектириш институти, Акушер-гинекологлар уюшмаси ҳамкорликда ташкил этди.

Анжуманда аёллар касалликларининг олдини олиш ва уларни даволашда янги усуллар, бу борада ишлаб чиқарилаётган замонавий препаратлар самараси, акушерлик ва гинекология илми ютуқла-

ридан амалда фойдаланиш борасидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Тадбир доирасида янги дори-дармонлар кўргазмаси ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА,  
Ў.А. мухбири.

## РЕЖАЛАР АНИҚЛАБ ОЛИНДИ

«Аҳолининг барча қатламларида солиқ маданиятини тўғри шакллантириш жараёни қандай?» «Солиқ хизмати билан ОАВ ҳамкорлигини кучайтириш учун нима қилмоқ керак?»

Вилоят Давлат солиқ бошқармасида ўтган семинар-тренингда шу сингари муаммолар ҳусусида фикрлашиб олинди. Шаҳар ва туман солиқ идораларининг оммавий ахборот воситалари билан алоқада бўлиш вазифаси юклатилган ходимлари билан журналистлар иштирок этган бу анжуманда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш имкониятлари оидинлаштирилиб, солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш, ибратли тахрирларни оммалаштириш режалари белгиланди.

Ю. ЖУМАНИЕВОВ.

## Яна тўловлар ҳақида



Қибрай туманининг 98-99 фоиз ҳудуди тўлиқ газлаштирилган. Бугунги кунда «Тошвилоятга» худудий қорхонасининг туман филиали 31,7 минг аҳолига, 1883 та улгуржи истеъмолчига ҳамда 28 та давлат ва маҳаллий бюджет қорхоналарига хизмат кўрсатмоқда.

Газ ҳақини вақтида тўлайдиган миқозларимиз кўп. Лекин уни пайсалга солиб, озми-кўпми қарздор бўлиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас, — дейди филиал директори Шукрулло Умаров. — Қарздорликни бартараф этиш мақсадида 12 та бригада ташкил этилган. Улар

## Қишлоқ мулкдорлари



## МЕВА-УЗУМ МЎЛ БЎЛАДИ

Паркент — азалдан ўзининг ширин-шакар мевалари, узумлари билан машҳур. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида юқори босқичга кўтарилган ислохотлар туфайли, туманда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари сафи кескин кўпайди.

— Бу йилги беқизи имкониятлардан самарали фойдаланиб, ихтиёрийдаги ерларни 40 гектарга етказдик, — дейди тумандаги «Норчонтол» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдулазиз Абдуянусов. — Тўрт гектар янги мевали боғ барпо этдик. Узумларни очиб, текис тараб қўйдик. Уларнинг дурқун ривожланиши қўтилаётган муваффақиятдан дарак бериб турипти. Насиб бўлса, бу йил мева-узум мўл бўлади.

СУРАТДА: фермер Абдулазиз Абдуянусов ҳўжалик аъзолари Имомбой Ортиқов ва Тиркаш Нуриддинов кўмағида узумларни симга тортмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Тараққиётга таҳдид ва раҳбар масъулият» мавзусида тафаккур синови бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

## ТАФАККУР СИНОВИ ЎТКАЗИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йил 3 апрелда қабул қилган «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда академиянинг Давлат ва жамият қурилиши факультети тингловчиларининг «Бунёдкор» ҳамда Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети тингловчиларининг «Хамкор» жамоалари ўзаро беллашди.

Интеллектуал беллашув иштирокчилари «Ҳозирги замон: таҳдид ва жавоб ўй-ғулими» фани бўйича олган билим ва қўнимларни, сиёсий тафаккурни, дунёқарашини «танитириш», «савол-жавоб», «муаммолни вазиятларни ҳал этиш», «платкатлар бўйича синовдан ўтказди.

Тафаккур синовида Давлат ва жамият қурилиши факультетининг «Бунёдкор» жамоаси голиб деб топилди. «Энг фаол иштирокчи», «Энг мазмунли жавоб» каби номинатциялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Ў.А.

## ОҚСОҚОЛЛАР САЙЛОВИ:

## ЖАРАЁННИНГ ИЛК ТАҲЛИЛИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзам Гадоёбоев ҳамда сайловларни ташкил этишга кўмаклашувчи вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ йиғинлари комиссиялари, маҳаллалардаги ишчи гуруҳлар, шунингдек, давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари иштирок этишди.

Вилоят ҳокими Мирзамашрап Кучиев фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш билан боғлиқ тайёргарлик жараёни ҳақида ахборот берди. Вилоятимизда 1458 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Демак, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш ҳам шунга яраша кўламли ва гоёт масъулиятли. Бугунги кунга бarcha шаҳар ва қишлоқларда фаолларга сайловнинг ҳуқуқий асослари ва меъёрлари ҳақида кенг тушулча берилди. Биз ҳар бир соҳада, энг аввало, ўзини ўзи бошқариш органларига таяналик. Демак, фуқаролар йиғини раислигига муносиб номзодларни танлаш олиш мумкин аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати

қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова ҳозирги кунда бarcha вилоятларда ўтказилаётган семинарлар фуқаролар йиғини сайловларини муваффақиятли ўтказишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб шундай деди:

— Эркин фуқаролик ва ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу маънода мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, сайлов жараёни очиб ва ошқор руҳда ўтказилиши лозим. Сайловни муваффақиятли ўтказиш, аввало, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари, ишчи гуруҳларининг ҳозирги тайёргарлик даражасига боғлиқ. Сайлов ишида, аввало, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар кўшмталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол қатнашиши керак. Бунинг учун сайлов қонунларини пухта билиш талаб этилади.

Демак, сайлов ташкилотчилари, ушбу жараённинг бевосита иштирокчиларининг асосий вазифаси бarcha тадбирларни қонунчилик

асосида, ҳаттоликка йўл қўймай бажаришдан иборат.

Сайлов жараёнининг қонуний ташкил этилиши борасида сўзга чиққан Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзам Гадоёбоев сайлов ҳўжатлари тўлиқ бўлиши, сайлов пунктларида бarcha шароитлар яратилиши, ишчи гуруҳи аъзоларининг асосий иш жойлари сайлов мuddати давомида сақлаб турилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ сайловда маҳалла аҳолининг иштироки ихтиёрий эканлиги, ўз овозларини истаган номзодга эркин таразда бera олишларини таъминлаш мақсадида очиб ва ёпиқ овоз бериш имконлигини айтиб ўтилди. Айниқса, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) вазифасига номзодларни танлаш масаласига жиддий эътибор қаратилиши, уларнинг маълумоти, аҳоли ўртасида муносиб обрў-этибор қозонганлиги, ҳаётий тажрибаси ва қобилиятига алоҳида эътибор билан қаралмоқ лозим.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган бarcha саволларга малакали жавоб олишди. Шунингдек, сайловни пухта ўтказиш масалаларига бағишланган семинар йиғилиши Чиноз туманида ҳам бўлиб ўтди.

Сайёра РИХСИЕВА,  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

## ЭКИШ ЯКУНЛАНИБ, ИШЛОВ КУЧАЙТИРИЛЯПТИ

Куйичирчиқ тумани бўйича режалаштирилган 13980 гектар майдоннинг 8980 гектарига «С-6524», 5 минг гектарига «Наманган-77» навли сараланган чигит экилди. Бу жараён қисқа мuddатда ва сифатли ўтгани боис бугунги кунга келиб, 70 фоиз майдондан тўлиқ қўчат олинди. Ҳозир чигит экишдан бўшаган бarcha техникалар пешма-пеш экин майдонларини қўлтиривчи қўлишга жалб этилмоқда.

Ўтган йили зарар қўриб ишлаган, рентабеллик даражаси паст ва истикболсиз 7 та ҳўжаликлар тугатилиб, улар негизда 250 га яқин фермер ҳўжаликлари ташкил топди. Ҳозир мавжуд экин майдонларининг қарийб 75 фоизи фермерлар ихтиёрида. Эндилликда ерга, мулка чинакам эғалик хисси билан ёндошиб, юқори мақсад ва

режаларни кўзлаб ишга киришган қишлоқ мулкдорлари эришажак ютуқлар янада залворли бўлиши мукаррар.

— Туманимиз пахтакорлари давлат буюртмасига мувофиқ бу йил 35 минг 648 тонна хом ашё етиштиришлари лозим, — дейди «Ул-тўв» фермер ҳўжалиги бошлиғи Жумадулла Ҳўзобоев. — Бунга биз ҳам муносиб

ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз. Ихтиёрийда 141,2 гектар ер бор. Шундан 91 гектари галла. Давлатга 237 тонна пахта, 205 тонна галла топшириш юзасидан шартнома тузганмиз.

Туманда экиш ишлари тўлиқ якунланиб, ишловни ривожлантириш олиб боришга бор куч ва имкониятлар сафарбар этиляпти. Ёмғирдан сўнг қатқалоқ ҳосил бўлган 2 минг гектар ер юмшатилиб, 100 дан ортиқ махсус мосламалар чигит униб чиққан майдонларда қўлтиривчи ишлари жалб қилинган.

Шунингдек, туманда аграр соҳанинг муҳим тармоғи ҳисобланган пиллачи-



ликка ҳам етарли эътибор қаратилмоқда. Туман бўйича 2200 қути қурт уруғини парварилаш мўлжалланган бўлиб, улар шу кунларда 1800 дан ортиқ хонадонларга тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, туман меҳнаткашлари ҳаётда муҳим ва масъулиятли палларлар бошланди. Бугун яхши ният билан қилинаётган саъй-ҳаракатлар эртага ўз самарасини бериши шўбаҳсиз.

Мўмин ИБОДОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

## ДАВРА ТЎРИДА — АЁЛЛАР

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент тумани бўлими ташаббуси билан мурувват тадбири ўтказилди.

Келес шaxридаги Ҳозибеков маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳмуд Расулова хонадонидан ташкил этилган ушбу тадбирда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 100 та хонадон вакиллари бўлган аёлларга Гулсара Қаюмова, Муҳаббат Раҳимова, Камолиддин Хусеинов каби тадбиркорлар ҳамда «Контур-Парт Интернейшнл» корхонасининг хайрия ёрдамлари топширилди. Таникли қизиқчилар Шукрулло Исроилов, Валижон Шамшиев, санъаткорлар Илҳом Фармонов, Абдулла Курбоновнинг чиқишлари даврага фойз бағишланди.

Феруза ТўРАЕВА.

## ЁШ КИТОБХОНЛАР ТАНЛОВИ

«Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг худудий босқичи голиби Олмалик сановат касб-хунар коллежи талабаси Уктажон Юсупов Охангаронда ўтказилган вилоят миқёсидаги беллашувда ҳам билимдонлигини намойиш этиб, тенгдошлари орасида биринчи ўринга сазовор бўлди ва танловнинг шу йил май ойида бўлиб ўтадиган республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ибодилла МўМИНОВ.

## КОМИССИЯЛАР ИШИ НАЗОРATДА

Вилоят прокуратурасида вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти таҳлили ҳамда улар ишини назорат қилиш масалаларига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияларининг масъул котиблари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этишди.

Семинарда ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг вилоятдаги ижроси, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг болалар ҳуқуқлари ҳақидаги конвенциясининг аҳамияти, шунингдек, назоратсиз қолган болаларни оиласига қайтариш, ўсмир-ёшларнинг таълим олишлари жараёнида идораларида ёшлар билан ишлаш, ғайриқонуний ташкилотлар таъсирдан сақлаш ҳамда уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди, йўл қўйилаётган камчиликлар таққидий нуқта назардан таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда).

## ХИЗМАТИ ЁҚАДИ-Ю, ҲАҚИ ЧАҚАДИМИ?

таркибида филиалимиз ходимлари, маҳалла фаоллари, пайвандчилар бор.

Истеъмолчилар томонидан йўл қўйилган қарздорликни бартараф этиш мақсадида филиалининг бир неча ходимлари «Ўзсаноатқурилиш» банки туман бўлимининг агенти сифатида иш юритишга тайёр. Туман ҳокимлиги қарздорлик муаммосининг келиб чиқиш сабаблари, уни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаларини мунтазам кўриб бормоқда.

Шундай бўлишига қарамадан, афсуски, март ойининг бошига келиб аҳолининг қарзи 896 миллион 262 минг сўмга етди. Шундан 36 миллион сўмининг мuddати ўтиб кетган. Сановат қорхоналари-

нинг қарзи эса 1 миллиард 161 миллион сўмга яқинлашди. 2005 йилнинг январь ойида бу кўрсаткич 421 миллион сўм эди. Тобора кўпайиб бораётган қарзларни ундиришни тезлаштириш мақсадида аҳолининг 17 миллион 884 минг сўмлик қарзи юзасидан ҳужжатлар судга топширилди. Йил бошидан буён қарзи 896 миллион 262 минг сўмга 292 хонадоннинг 123 таси юзасидан суд қарор чиқариб, 1 миллион 468 минг сўми ундирилди.

Улгуржи истеъмолчилар — туман темирйўл бошқармаси, «Лимончилик» ширкат ҳўжалиги, «Тоир Ҳикмат ўғли» хўжаси, «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш қорхоналари, «Омад», «Музаффар-Азиз», «Қизил шаршара» уй-жой

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



БУНИ ҲОМИЙЛИК ДЕСА БЎЛАДИ

Бекобод туман марказий шифохонаси вилоятдаги энг йирик ва намунали шифо масканларидан бири десак муболага бўлмайди. 260 ўринли шифохона 7 та бўлимдан иборат.



31 малакали шифокор ва 270 ҳамшира 135 минг аҳолига хизмат қилади. Шунингдек, тумандаги 18 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, битта амбулатория, катталар ва болалар ҳамда юқумли касалликлар шифохоналари ҳам марказий шифохона кўл остида фаолият юритади.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан йилнинг ўтган даврида кенг қўламда таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, марказий шифохонанинг ташқи ва ички кўриниши бутунлай ўзгача кўрға касб этди, моддий-тех-

зарур муаммоларни ҳал этишнинг иложи ҳар доим топилди. Хусусан, Ўзбекистон металлургия комбинати ана шундай ҳомийлар сирасига кирди. У марказий шифохонани тубдан таъмирлаш, янги буюмлар билан жиҳозлаш ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга кетган сарф-харажатларни кўтариб, 500 миллион сўм ажратди. Бундан ташқари, комбинат ҳомийлигида болалар шифохонасида 150 миллион сўмлик, 7 та қишлоқ шифокорлик пунктида 200 миллион сўмлик таъмирлаш ва жиҳозлаш тадбирлари режалаштирилди.

Жаҳон банки ҳам Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида 35 миллион сўмлик тиббиёт жиҳозларини лаборатория ҳамда 14 та қишлоқ шифокорлик пунктларига тарқатди.

Абдусамад Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: терапия бўлими мудири Раҳматилла Умрзоқов (юқоридаги суратда чапда) миждоғлар билан сўбатлашмоқда; шифохонанинг туғрулаша бўлимида. Даврон АХМАД олган суратлар.

Баҳор келди дегунча, ҳаммамиз ободонлаштириш ишларига энг шимарамиз. Бу фаолият ўзбек халқига қадимдан урф бўлиб келган. Маҳалла-қўй, мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида ҳам бу ишга астойдил қиришилгани кишини қувонтиради.

МЕНИНГ ДАРАХТИМ!

Зангиота туман таълим муассасалари бу борада кўпийиллик эзгу ишларни бошлашган. Чунончи, мактабнинг 1-синф ўқувчилари биттадан мевали дарахт кўчати олиб келиб, ўзларининг «Илк ёшилган боғи»ни ташкил этишса, 9-, 11-синф ўқувчилари мактабга бўлган миннатдорчиликларини «Битирувчилар боғи»да акс эттиришди.

Тумандаги бу ташаббускорлик вилоят халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача тарбия муассасалари жамоаларига ҳам маъқул келди ва уни барча шаҳар-туманларда тарғиб қилиш мақсадида «Еш авлод боғи»ни яратиш юзасидан бошланган ташаббуслар қўлаб-қувватланди. Ўқувчиларнинг табиатга бўлган меҳрини ошириш, ватанпарварлик ҳиссини улғайтириш, экологик тарбияни шакллантириш каби эзгу мақсадлар мана шу бир туп ниҳолда мумкин.

Яхшилик, мусофоллик соғлом турмуш гарови деб бежиз айтилмаган. Она табиатни асраш — биз ёшларнинг шарафли бурчимиздир.

Нигора АБДУРАҲМОнова, ЎзДЖУ талабаси.

ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАБ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида Чирчиқ шаҳрида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этган анжуман буюк аждодларимизнинг ҳомийлик ишлари мавзусига бағишланди. Унда сўзга чиққанлар ҳомийлик тушунчаси ва эзгу инсоний фазилатлар моҳияти ҳақидаги қарашларини баён қилдилар.

Ўз мухбириимиз.

ДЕКАН САҲОВАТИ

Навий давлат кончилиқ институтининг Олмалик шаҳридаги кон-металлургия факультети декани Абдурашид Ҳасанов яхши ташаббус билан чиқди.

Унинг ҳамроҳлигида факультетнинг бир гуруҳ талабалари ҳамда Муқимий маҳалласида яшовчи кам таъминланган оила фарзандлари кўнжа Самарқанд шаҳрига зىёрат учун йўл олишди. Аҳамиятли томонини шундаки, кам таъминланган оила фарзандларининг сафарда кўнгилли дам олишлари учун барча харажатларни ташкилотчи декан ўз зиммасига олган.

Хуррият МҮМИНОВА.

Яна тўловлар ҳақида

хонада ишлар экан. Маълум бўлишича, хонадонларида қўшимча даромад манбаи — иссиқхона ҳам бор экан.

— Уйда катталардан ҳеч ким йўқ эди, — деди Нурафшон маҳалласи, Ёшлик кўчаси, 74-уйда яшовчи Мирзозид Пулатов аслида ўзи уй бошини бўла туриб. — Узимиз бу уйда яшамаймиз. Билмайман, нимагадир бу ҳисоблагич айланиб кетавераркан. Намунча, пул тўлашга шоширишди. Тўланар бир кун. Агар жуда шошилишч бўлса, ишхонамдан ўтказарман.

— Коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ишини умуман тушунмайман, — деди Ёшлик кўчасида яшовчи фуқаро Неймат Соатов. — Айрим кўшиқларимизнинг 100-150 минг сўмлик қарзлари бор. Лекин барча хизматлардан фойдаланиб ётишибди. Хонадонимизнинг қарзи 40-50 мингга яқинлашиб қолса, учираман деб пўписа қилишди. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Бу кишиларнинг «важ»лари изоҳ талаб қилмайди, албатта.

Туман электр тармоқлари хизмати бўйича ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Коммунал хизматларнинг бу туридан ҳозир 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 31 минг 104 аҳоли, 563 та юридик шахс беминнат фойдаланмоқда. Туман миқёсида электр қувватидан умумий қарздорлик бугунги кунга келиб 4 миллиард 985,7 миллион сўмга етди. Фақат аҳоли қарзларининг ўзи салкам 589 миллион сўм. Лекин айрим истеъмолчиларни боқимандалик, беғамлик қусурлари тарқ этмапти. Натижанда март ойининг ўзида 22 та хонадондан 3 миллион 450 минг сўмлик қарзни ундириб олиш учун судга мурожаат қилишга мажбур бўлинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК САБОҚ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Чернобыль фожиасининг 20 йиллиги муносабати билан бугун «Чернобыль сабоқлари ва минтақавий радиацион хавфсизлик муаммолари» мавзусида учрашув ўтказди.

Учрашувда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлардан ташқари бевоқифа фожиа оқибатларини тугатишда қатнашган ҳамюртларимиз ҳам иштирок этдилар. Тадбирда уларга «ЭКОСАН» совғаларини топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда бундай офатлар қайтарилмаслиги учун масъулиятни ошириш ҳамда глобал ва минтақавий миқёсда радиацион хавфсизликни таъминлашда техникавий, илмий ёндашувлар борасида фикр алмашилди.

Тўғич БЕК.

Фармон ва ижро

Ўртачирчиқлик Озодаҳон 15 йилдан зиёд вақт паррандачилик фермасида ишлади. Кейинчалик фарзандлар кўпайиб, уй ишларидан ортмай қолди. Уйда ўтирар экан, аста-секин рўзғорда камчиликлар юзага кела бошлади. Шунда онаси Умрихон аянинг тунлари чироқ ёруғида дўппи тикишларини эслади. Бозор кунлари дўппи сотишдан келадиган даромад ҳисобига дастурхонга барака кириб, болалар эғнида эса оҳорли кийимлар пайдо бўлди.

КАСАНАЧИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

У келинлик давридан қолган кўл тикув машинасини яхшилаб артиб, мойлаб, тикишга шайлаб қўйди-ю, ишни нимадан бошлашни билмай қолди. Бундоқ ўйлаб қараса, маҳаллада нима кўп қиз узатиш, ўғил уйлантириш кўп экан. Аиниқса, қиз бола учун кўрпа-тўшак қилиш одади йўқолгани йўқ. Шундай экан, қиз боланинг тўйига мослаб кўрпа-тўшаклар тикса бўлмайдимми?..

Ҳақиқат билан бошланган иш қанот ёзди. Энди тўй тараддуудида юрганлар Озодаҳонникига серкатор бўлиб қолишди. Кўлига пул тушиди, дастурхонига барака кирди. У энди ишлар кўпайганлигини ҳисобга олиб, электр қуввати билан ишлайдиган тикув машинаси сотиб олди, ёнги жиянлари қўшилди. Шундай қилиб кўрпа-тўшакдан бошқа махсулотлар тайёрлашга ҳам киришдилар. Жумладан пар ёстиқлар, қизлар кўйлиги ва зардўзликка ҳам кўл уриди. Хуллас ишлар юришиб кетди.

Озодаҳонни фақат бир нарса қийнаб эди. Уч йилдан буюв меҳнат дафтарида эъзу йўқ. Эртага пенсия ёшига етганида меҳнат стаж зарур бўлади.

Касаначиликни ривожлантириш ҳақида Президент Фармонини эшитди-ю ўзида йўқ хурсанд бўлди. Фармоннинг «... корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига кирди ва уларга меҳнат дафтарида берилган пенсиялар ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилди...» деб ёзилган бандларини қайта-қайта ўқиб чиқди. Шу орада унинг уйига туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Башорат Нуруллаева ташриф буюриганида кўнгилидаги ниятларини очиб айтди:

— Қани энди корхона ўз буюртмасига кўра хом ашё, материалларни етказиб турса, сотишга қўмақлашса, биздан иш қочиб кутулмас эди. Башоратхон унга Фармонни батафсил тушунтириб берар экан, бу масалада ҳам хали кўп ўзгаришлар бўлиши айтиди.

— Менга ҳозир «Попон» тикув машиналари жуда керак, агар бирор корхона шу масалада ҳам ёрдам берса, куну тун ишлаган бўлардим, — Озодаҳон орзуларини бирма-бир санади.

Дарҳақиқат, бу Фармон уй шариоатида меҳнат қилаётган касаначиларнинг юрагидаги орзу-ниятларини жўштириб юборди десак муболага бўлмас. Уларнинг қайси бири билан сўбатлашсанг, аввало меҳнатларининг эътиборга тушганлигидан хурсанд бўлишса, яратилган шарт-шароитлардан ўн баробар қувонишди.

«Роватка» маҳалласида яшовчи Каромат ола Убайдуллаевнинг 9 фарзанди бор. Ҳаммаси уйли-жойли, топармон-тутармон. Ҳаёт экан, келинларидан бири ногирон. Каромат опа келинлар уйда кўрпа-ёстиқ, аёллар халати тикишга шариоат яратиб берди. Қарабозики, кўп ўтмай, маҳалладошларидан кетма-кет буюртмалар ола бошлади. Энди Гулчерахон ҳам ўзини шу оиланинг тўлақонли аъзосидек тутар, одамларнинг ҳожатини чиқариш учун тунлари ҳам алламаҳалгача тикув машинаси ёнидан кетмас эди.

ҲИНД КИНОСАНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан 25 апрелдан 30 апрелга қадар «Ўзбекистонда ҳинд киносанъати фестивали кунлари» ўтказилмоқда.

Вилоятимиз кинотеатрларида мазкур тадбир кеча кечкурун «Гарна масала» фильми премьераси билан очилди. Ҳинд киноси муҳлислари ҳафта мобайнида «Салом намасе», «Мен борман-ку», «Нега севиб қолдим?», «Жумбоқ», «Мен ва сен», «Гоҳо шодлик, гоҳо ғам», «Банти ва Бабли», «Вақт ортидан қувиб» каби қатор фильмларни томоша қилишлари мумкин. Ташкилотчилар яқин ўтмишда машҳур бўлган киноасарлар ретронамоишини ҳам уюштирмоқдалар. Хусусан, экранларда «Сангам», «Жаноб 420», «Бобби» фильмларини қайта кўриш имкони бор.

Мирзабек КЕНЖА.

— Иш кўп бўлса, буюртма мўл бўлса, ишлаб чарчамас эдим, роҳатланардим, — дейди у Фармон ҳақидаги гапларни эшитиб.

Биз бундай миннатдорчилик сўзларини бошқалардан ҳам эшитдик. Масалан, Назоқат Назирова ҳам хунарманд қиз. Аммо, болаликдан ногирон. Лекин ҳаётнинг зарбалари Хунарманд Наргиза Қўлдоева ҳам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Унинг устaxonасида замонавий тўй либослари, ёшларнинг оқшом кўйлақлари, шунингдек зар дўппилар, аёллар халат ва сумкалари, кўл ва бўйинларига тақиладиган мунчоли безаклар каби турли буюмлар асосан кўлда тайёрланади. Шу эрининг ўзида соч турмаклаш, гул ясаш каби хизмат турлари ҳам йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда эл орасида кўли гул чеварларини ҳам, уста хунармандларини ҳам кўплаб топилади. Туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Башоратхон Нуруллаева Фармон ҳақида тўлкинлиб сўзлар экан, шундай дейди:

— Уюшмамиз учун ҳам бу Фармон дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Ҳозир туманимиздаги тикувчилик фабрикаси билан касаначиларимиз ўртасида меҳнат шартномасини йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, ўзимиз ҳам уйда ишлаб, турли махсулотлар чиқараётганлар билан шартномалар тузишга киришдик. Хом ашёсини топиб берамиз, сотишга қўмақлашамиз. Уйлайманки, бундан ҳаммамиз ютамиз.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Башоратхон узок йиллардан бери зардўзлик билан шуғулланиб келади. Жуда кўплаб маҳалларда унинг шоғирдлари зардўзлик билан шуғулланишди. Уларнинг уйда тайёрлаётган махсулотлари эса ҳаммаши харидордир. Фармоннинг ана бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқларимизда касаначилик ҳаракати йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати. Негаки, илгари замона бунга ҳам бошқача кўз билан қараган эди.

Озодаҳон ўша йиллари эслаб бир воқеани гапириб берди:

— Маҳалламизда дўппи тикадиган бир аёлни қамаб қўйишгандан кейин юрак ховуллаб, онам бир илгача дўппи тикмай қўйгандилар. Кимдир ишонмас, лекин бу бор гап эди. Ўша пайтларда бундай «ола» қарашларнинг жабрини тортганлар хали ҳам ҳаёт.

— Уйингдан чиқмай туриб, бола-чақанинг олдида, тўрт кўзинг тугал бўлиб, меҳнат қилсанг, иш стажинг, келажакинг таъмин бўлса, ишлайман десанг иш берса, бундай замоннинг бошидан сув ўгириб имсанг арзийди, — дейди 70 ёшида ҳам кўзоянақ тақиб кўрпа қавийтган Зубайда она келинларига.

Ҳамид НОРКУЛОВ.

БОЖЖОНА СИЁСАТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг ташаббуси билан Давлат божжона кўмитасининг Олий ҳарбий божжона институтида иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш шариоатида божжона сиёсатининг қонунчилик базасининг ривожлантириш ва тақомиллаштириш масалаларига бағишланган давра сўбатлари бўлиб ўтди.

Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси Б.Иминов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат божжона кўмитаси ва унинг худудий бошқармалари маъсул ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

Давра сўбатларида божжона қонунларини тақомиллаштириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор чора-тадбирлар белгилан олди.

Анжуманда «Иқтисодий интеграциялашувни жадаллаштиришда божжона муносабатларини тақомиллаштириш юзасидан давлат сиёсатининг устувор йўналишлари», «Божжона хизматининг давлат бюджети даромад қисмини тўлдиршидаги ўрни ва божжона қонунчилигини тақомиллаштиришдаги айрим муаммолар», «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлишнинг миллий иқтисодий таъсири», «Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида интеграциялашув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Беҳзод НОРБОВЕВ, ЎЗА мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛОР ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» Sizlarni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат корхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ҳафтанинг хар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мўлк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига таклиф этади!

Савдоларга 2006 йил 12 майдан қуйидаги давлат объектлари қўйилади: Ангрэн шаҳар ҳокимиятига қарашли, Ангрэн шаҳар, Қрасногорск кўрғони, Полевая кўчасида жойлашган, 28-уйнинг биринчи қаватидаги майдон 675,25 кв.м.га тен бўлган нотуваржой биноси объекти.

Бошланғич баҳоси — 9198,4 АКШ доллари (объект учун тўлов УЗР МБнинг сотув қўнидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади).

Ушбу объект бўйича 2006 йил 26 апрелдан бошлаб бошланғич баҳосини босқичма-босқич пасайиш механизми қўлланилади:

Паркент тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Паркент тумани, Э.Халилов кўчасида жойлашган, «Гулбаҳор» болалар боғчасининг бино ва ишцоолари.

Бошланғич баҳоси — 6626,8 АКШ доллари (объект учун тўлов УЗР МБнинг сотув қўнидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади).

Ушбу автотранспорт воситаси савдо натижаси бекор қилинганлиги сабабли 2006 йилнинг 2 майдан бошлаб ҳафтанинг хар шеанба кунлари ўтказиладиган объект аукцион савдоларига қайтадан чиқарилмоқда. Тошкент стандартлари ва метрология бошқармасига қарашли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, ВА3-2106 русумли, давлат рақами 10 АВ 043 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 625 000 сўм. Автотранспорт воситаларига савдоида қатнашиш учун ариза ва 10 соатлик зақалат пулини қабул қилиш савдолардан биф озонли тўхтаблади.

Иқтисодий интеграцияни бий берманг! Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мировот тумани, Моворуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефон: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.

БЕШ КУНЛИК СЕМИНАР

Ўзбекистонда гендер тенглиги масалаларига бағишланган семинар бошланди. Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Фуқаролар ташаббуслари ни қўллаб-қувватлаш маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази, Осийе тарққийёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Беш кун давом этадиган семинарда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик экспертлар бу борадаги ютуқ ва тажрибалар хусусида фикрлашадилар. Гендер тенглиги билан боғлиқ халқаро ва миллий конунчилик асослари, оила мустақамлигини таъминлаш, аёлларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа жабҳалардаги иштирокини янада кенгайтиришга оид кўплаб масалалар юзасидан маърузалар тингланади.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

«АЁЛ — ҲАЁТ ЧИРОҒИ»

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамият тарққийотидаги ўрнини мустақамлаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Тошкент туманининг Наврўз маҳалласи хотин-қизлари билан ўтказилган «Аёл — ҳаёт чироғи» мавзусидаги давра суҳбати ҳам аёлнинг оиладаги ўрни, фарзанд тарбиясининг ўзига хос томонлари, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларига бағишланди. Оила руҳияти тилсимлари, инсон омилли, умуминсоний қадриятлар, эзгулик, ўзаро меҳр-муруват мавзусидаги маърузалардан сўнг қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Сайёра РИХСИЕВА.

Пилла — 2006

Кейинги йилларда пиллачилик аграр соҳанинг муҳим тармоғи бўлибгина қолмай, фермерлар ва қишлоқ хонадонларининг муҳим даромад манбаига айланди. Буни пилла етиштириш, унинг янги, юқори самарадорликка олиб боровчи омилларини излаб топиб, жорий этишга бўлган қизиқиш ва эътиборнинг юксалиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

БУЁҒИ ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

Янгийўллик пиллакорлар вилоятда биринчилардан бўлиб ипак курти парваришига оммавий киришди. Туман чекига тушган давлат бюортмаси 110,5 тонна пилла етиштириш. Айни вақтда 2000 га яқин хонадон белгиланган шартномага кўра, ипак курти парвариши билан машғул.

— Зиммамиздаги катта масъулиятни ўз вақтида, бекаму кўст адо этиш учун барча имкониятларни ишга соляимиз, — дейди «Янгийўл бош пиллахона-

си» масъулияти чекланган жамият раиси Рустам Исломов. — Авваломбор, уруғ навини танлашга эътибор қаратдик. Пиллакорларимиз «Ипакчи» навли курт уруғлари парваришида яхши тажриба орттирганлар. Бу йил ҳам Намангандан келтирилган шундай уруғлиқни танладик. Махсус лабораториямизда уларни жонлантириб, тўлиқ тарқатдик. Барча хонадонлар мавсумда зарур бўладиган ашёлар, асбоб-анжом ва инвентарлар билан таъминланди. Хонадон



эгаларига етиштирилажак қимматбахо хом ашёга тўланадиган ҳақнинг 30 фоизини бунак тариқасида тўладик. Белгиланган режадан ошган ҳар килограмм маҳсулот учун қўшимча нақд пул тўлаш ҳам белгиланди.

— Кўп йиллардан бери ипак курти парвариши билан шуғулланамиз, — дейди уй бекаси Азиза Холматова. — Бунга барчамиз кўникамиз, етарли тажрибамиз бор. Бу оиламиз учун яхшигина даромад ҳамдир. Очиғи, ҳар мавсум

келишини ўзгача кўтаринкилик билан кутамиз. Бу йил ҳам 3 қути курт уруғини катта масъулият билан қарамогимизга олдик. Шароитимиз яхши, озуқа захиралари етарли, масъуллар мунтазам хабар олиб туришибди. Насиб бўлса, ўтган йилги яхши натижаларни бу йил ҳам такрорлаб, юзимиз ёруғ бўлади.


Дарҳақиқат, тумандаги Абдумутал Эминов, Муҳаббат Бўтаева, Шахло Топилова бошлиқ оилавий пиллакорлар ҳар йили шартнома режаларини вақтида

адо этиб, ҳар қутидан 80 килограммдан ошириб пилла топширмақда. Улар бундай юқори самарадорлик омиллини меҳнат ва пилла етиштириш технологияларига оғишмай амал қилишда, деб билишди.

Файрат РАҲМАТУЛЛАЕВ. СУРАТДА: уруғларни жонлантириш мосламаси мутахассислари Муҳайё ва Олим Маҳаматовлар қутиларни сўнгги назоратдан ўтказмоқдалар. Даврон АҲМАД олган сурат.



Кундалик рўзғорда сабзавот маҳсулотларига эҳтиёж катта. Айни баҳорги экин-тикин мавсумида сабзавотчиликка катта эътибор қаратилиб, экин майдонларининг имкони борича кенгайтирилаётгани шундан.



ИШ БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Паркентлик Зокир Дўстматов уч йилдан бери сабзавот кўчатлари етиштириш билан шуғулланади. У етиштираётган помидор, булғор ва аччиқ қалампир кўчатлари ўзининг асиллиги ва ишончилиги билан ном қозонган.

— Кўриб турганингиздек хонадонимиз Паркент сойи эстагиди, — дейди у. — Анҳор ёқалари бир вақтлар ахлатхонага айланиб, ташландик холда ётарди. Бу ерда,

айниқса, ёз кунлари ноҳуш манзара юзага келиб, турли касалликлар кўпайиш хавфи кучли эди. Деҳқончиликка, хусусан, кўчатчиликка қизиқишимиз кучли, аммо шуғулланадиган еримиз йўқ бўлгани учун кўпчилик билан келишиб, шу ерни тозалаб, деҳқончилик қилишга киришдик.

Хозир ана шу ер мўъжагина томорқага айланган. Тиниб-тинчимас Зокир Дўстматов тумандошлари эҳтиёжи учун турфа сабзавот кўчатлари етказиб бермоқда. Умр йўлдоши Муҳаббат Назарбоева ва ўғиллари, келинлари ҳам уй-рўзгор юмушларидан бўш вақтларида шу ерда меҳнат қилишади. Шу тариқа рўзғорга тузуққина барака кирмоқда.

СУРАТДА: Муҳаббат Назарбоева кўчат парвариши чоғида. Даврон АҲМАД олган сурат.

22 апрель — Халқаро Ер кўни муносабати билан «Экосан» ташкилоти ва унинг вилоятдаги бўлими кенг меҳнаткашлар оммасини ушбу кўни нишонлашга даъват этиб, шу мақсадда экология ва соломатлик кўнлари, умумхалқ хашарлари, маҳаллалар ва аҳоли истиқомат жойларида, ўқув юртларида учрашув ва сўбатлар, экология фестиваллари, расмлар кўргазмалари ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган бошқа тадбирлар ўтказмоқда.

ЕР КЎНИГА БАҒИШЛАНДИ

Бу йил ҳам анъанага кўра «Экосан» халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Ер кўнига бағишланган «Экофестиваль — 2006» тадбирини ўтказди. «Ўзэкопомарказ»да ташкил этилган бу тадбирда уюштирилган «Она замин инъомлари» кўргазмаси қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Унда хилма-хил ноз-неъматлар, расомларнинг фестивал мавзусига оид иход намуналари намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

РОМАНО ПРОДИ — ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ

Италия Олий апелляция суди мамлакатда ўтказилган парламент сайловининг яқиний натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Романо Проди раҳбарлигидаги сўл марказчилар коалицияси галаба қозонган.




Маълумки, 9-10 апрель кунлари Италияда парламент сайлови ўтказилган, унда асосан амалдаги бош вазир Сильвио Берлускони етакчилигидаги «Озод уй» ўнг марказчилар коалицияси ҳамда Романо Проди раҳбарлигидаги «Иттифок» муҳолиф бляки ўзаро курашган эди. Дастлаб сайлов натижалари учун асосий хабарлар бўлган мамлакат ички ишлар вазирлиги муҳолиф бляки муваффақият қозонганини маълум қилди. Аммо С. Берлускони бундан тан олмади. У бюллетенларни қайта ҳисоблаб чиқишни талаб қилди. Шундан сўнг яқиний хулоса олий суд ҳужмига ҳавола этилди.

Италия марказий сайлов комиссияси ҳам қайта ҳисоб-китобдан сўнг Р. Продининг галабасини эътироф этди. Унинг сафдошлари қуйи палатада 55, сенатда эса 158 ўринга эга бўлган. Аммо С. Берлускони ҳамон ўз мағлубиятини рад этмоқда. У журналистларга берган интервьюсида Р. Проди бош вазир бўлган тақдирда ҳам унинг галабасини тан олмаслигини айтди. С. Берлускони таъкидлашича, «Озод уй» ўнг марказчилар бляки парламентнинг икки палатасида ҳам рақиблирдан кўп овоз тўплаган.

РАДИАЦИЯГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

Россия фанлар академиясининг Владикавказ шаҳридаги илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан радиактив нуруланишга қарши вакцина ишлаб чиқилди ва дастлабки синовдан ўтказилди.



ПАТА-ТАСС хабарига қараганда, мутахассислар ҳайвон организмидан қон билан тўқималарга ўртасида модда алмашувини таъминловчи суякқандан (лимфа) радиация таъсирида ички аъзоларни ишдан чиқарувчи радиотоксин моддасини ажратиб олишга муваффақ бўлган. Унинг асосида эса вакцина тайёрланган. Олимлар ўз кашфиётининг имкониятини АҚШдаги ҳамкасблари ишлаб чиққан вакцинани қайта солиштириб кўрди. Тажриба мақсадида ҳайвонлар

танлаб олиниб, 2 гуруҳга ажратилди. Бир томон АҚШ, иккинчи томон эса Россия вакцинаси билан эмланди. Шундан сўнг уларнинг барчаси суний равишда нурлантирилди. Биринчи гуруҳдагилар тажрибанинг тўртинчи кўнида нобуд бўлди. Иккинчи гуруҳдагилар тирик қолди. Улар 2 ойдан сўнг яна текширувдан ўтказилганида организмидан салбий ўзгаришлар топилмади. Таъкидлашича, вакцина таъминлаштирилган, келгусида фазовий кема-ларда радиациядан химояловчи бўлмаларни қуришга умуман ҳолат қолмайди. Янги вакцина, шунингдек, онкологик касалликларни даволашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

ЎЗА.

Бугуннинг гапи

Барча соҳада бўлгани сингари аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда ҳам хусусий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Бундан аввало, тадбиркор манфаатдор бўлса, пировардидан ундан ундрилладиган солиқ тўлови орқали жамият ҳам фойда кўради.



ЛИЦЕНЗИЯНИГИЗ БОРМИ?

Бирок, давлат томонидан яратилган ана шундай имкониятлардан тўғри фойдаланмай, солиқларни тўлашдан қочиб, тегишли ҳужжатларсиз тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ҳам йўқ эмас. Соҳадаги бундай камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида махсус қарорлар қабул қилинди. Ана шу меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш учун вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги қошида ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга солиқ бошқармасининг маъсул ходимлари ҳам бириктирилган. Жойларда тарғиб-бот-ташвиқот учрашувлари ўтказилмоқда. Жумладан, март-апрель ойларидан 13 марта семинар уюштирилди. Уларда мутасадди идоралар вакиллари билан ташқари, 1700 дан ортиқ тадбиркор иштирок этди. Семинарда транспорт соҳасини тартибга солишга оид қарорлар мо-

нинг самараси қутилганидек бўлмоқда. Эндиликда тадбиркорлик билан ноконуний шуғулланаётганлар фаолиятига чек қўйилмоқда. Махсус ишчи гуруҳ томонидан ўтказилаётган рейд текширувлари натижасида қатор қонунбузарликлар аниқланмоқда. Масалан, шу йил бошдан 1 апрелгача 359 марта рейд ўтказилиб, 3177 транспорт воситалари эгаларининг ҳужжатлари текширилиб, 611 та турли хилдаги қонунбузарликлар аниқланди. 533 тадбиркор лицензиясиз ва гувоҳнома сиз фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Уларга 25467,0 минг сўм маъмурий ва 1524,0 минг сўм молиявий жарималар қўлланилди. 17 та қонунбузарлик бўйича тўплаган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилди. 8 та қонунбузарликка нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Ўтказилган рейдлар давомида 274 фуқаро тадбиркор шахс сифатида давлат рўйхатдан ўтказилди. Президент қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мақсад аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилашдир.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«Ogoh bo'ling, odamlar!» — degan da'vat hamisha bong urgandek yangrab turishi kerak. Faxrlanish mumkin va lozim bo'lgan bebaho qadriyatlar — o'z mustaqilligimizni, tinchligimizni, jamiyatda millatlar, fuqarolar o'rtasidagi totuvlikni asrang. Islom KARIMOV.

Jaholatga qarshi ma'rifat bilan

«Bugungi kunda bizning peshqadam shoir va adiblarimiz mustaqillik bergan erkinlik va ijodiy imkoniyatlardan keng va samarali foydalangan holda, milliy istiqlol g'oyasi ruhi bilan sug'orilgan, hozirgi zamonning o'tkir va dolzarb ijtimoiy muammolarini badiiy yo'sinda aks ettirishga qaratilgan rang-barang asarlar yaratishga intilayotganliklari albatta, e'tiborga molikdir» deb yozadi O'zbekiston Qahramoni, O'zbekiston xalq shoiri, ustoz Abdulla Shipov iqtidorli shoir Mahmud Toirning «Ogoh bo'ling, dunyo» dostoniga yozgan so'z boshisida. Ushbu mo'jaz dostoni chop etar ekanmiz, u sof niyatli barcha kishilarni, ayniqsa, yoshlarimizni ogohlik va kurashga chorlaydi deb umid qilamiz. Shuningdek, ushbu doston yoshlarimizning talab va istaklariga binoan lotin alifbosida sizlarga havola etilmoqda.

MUQADDIMA Bugun tongdan xush turdim juda, Dunyo go'zal, olam osuda. Qush tilini qushlar bilsa ham, «Qushlar tili» ko'ngilga malham. Osmon tiniq, osmon beg'ubor, Tiniqlikda ajib hikmat bor. Jilmayib nur sochadi quyosh, Baxtga eshik ochadi quyosh. Salom olib kelgan sabolar, Boshim uzra to'kar duolar. Orzudayin ko'z ochgan kurtak, U tongdagi totli bir tilak. Har dilida hikmatning zilzilasini bor, Har tilda hurmatning ganjinasi bor. Vale har so'zdan ham hikmat yaralmas, Har husni sohibdan xush nur taralmas. Har botir maydonda g'olib bo'lolmas, Hurmatni talab-la olib bo'lolmas. Yashashning sharti bor, odamlilik sharti, O'zidan kechib yashar, millatning mardli. Ayo do'st, kun keldi, keldi xo'b zamon, Ona yurt bo'lmoqda ko'p donlamon. Har dilida jaranglar hurlik hitobi, Vafodan boshlanar taqdir kitobi. Qush tilini qushlar bilsa ham, «Qushlar tili» ko'ngilga malham. Ollah tutgan gultoj go'zallik, Musavvirga muhtoj go'zallik. Ko'zlarimga sig'masa netay, O, ona yurt, sadag'ang ketay. Sen haqingda o'ylamoq sharaif, Madhing yonib kuylamoq sharaif. Hurlikda sen ko'tarilgan taxt, Abadiyat osmonida baxt. Farzandlarimiz, kelajak avlodlar bizdan shu o'lkani, shu muqaddas zaminni yana ham boy, kuchli va qudratli holatda qabul qilishlari uchun, biz buyuk ajdodlarimizga nisbatan qanday minnatdorchilik tuyg'ularini his etayotgan bo'lsak, o'g'il-qizlarimiz, kelajak avlodlar ham bizga nisbatan shunday minnatdorchilik tuyg'ularini his etishlari uchun lozim bo'lgan hamma ishni qilish — bizning fuqarolik burchimizdir. Islom KARIMOV.

Mahmud TOIR, O'zbekiston xalq shoiri.

OGOH BO'LING, DUNYO (Doston)

Dardi dunyo zahmatkash, elim, Mehri daryo mehnatkash, elim. Birda quvnab, birda o'kindim, Bugun dildan keldi to'kilgim. O'tmishdagi uvoling haqqi, Qonli kechmish, zavoling haqqi. Tildan, dildan to'kilgan armon, Balki bo'lar mo'jaz bir doston. Avlodlarga va yo bir maktub, Neki bo'lsa, bo'lo'sin matlub. Jannatni diyorning jamolidek xush, Hazrat Amir Temur kamolidek xush. Dillarda yuz ochar inja bir savol: «Bu yurtni kim qurqan?» Bolam, yodga o'll. Hurlikning ilk g'ishtin kimgar qo'yishgan, Vatanni har nedan tarqit suyishgan. Kimlar u, Jonini o'qqa tik tutgan, Ozodlik yo'lida o'zni unutgan. Ne o'ylar bilmadim dildan o'tadi, Ne nomlar necha bir tildan o'tadi. Shu bois ushbu kun qo'lmda qalam, Oq qog'oz ustida quvonchim, nolam. Umidim bizni kelguvsi avlod, Ehtidim, e'zozda etishgaylar yod. Va bilgay ozodlik tushmas osmondan, Uni deb kechishgan ne mardlar jondan... (Davomi bor).

ЯПОН МУСИҚАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон - Япония инсон имкониётларини ривожлантириш марказида Кунчиқар юрт замонавий ва мумтоз музыкаси концерти бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Санъат ихлосмандлари уч кун давомида япон «Эксельсиор» торли квартирининг музикаси дастури билан яқиндан танишдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Спорт Спорт Спорт Спорт

Олий лига

«МЕТАЛЛУРГ» ЯХШИ ҲАМ ҲАМ...

Мамлакат 15-миллий чемпионатида навбатдаги еттинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Вилоятимиз жамоаси «Металлург» Муборакда чемпионатда муваффақиятли иштирок этаётган «Машъал» жамоасига қарши баҳс юритди.

Биринчи лига

«ОТМК» КУЧЛИ ҲАМ...

Мамлакат миллий чемпионати биринчи табақасида иштирок этаётган виллоятимизнинг икки жамоаси Чирчиқда ўзаро баҳс юритдилар.

Талъат ЮСУПОВ.

ГОЛИБЛАРГА МЕДАЛЬ ВА ДИПЛОМ

Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежида «Саломатлик кўни» спартакиада бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамоаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаркати туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган мусобақаларда спортнинг узунликка сарфас, югуриш ҳамда ядро иритиш каби турлари бўйича баҳслар бўлиб ўтди.

Болалар спортини ривожлантириш жамоаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаркати туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган мусобақаларда спортнинг узунликка сарфас, югуриш ҳамда ядро иритиш каби турлари бўйича баҳслар бўлиб ўтди.

Отабек ЭЛТОВЕВ.

Навоийхонлик

Ҳазрат Мир Алишер Навоий куллиётининг 17 йиллигини худди хонтахтага нон тергандек, рўпарамга ёйиб қўйибман.

«МУНОЖОТ»НИ ҲАМ...

(ёки тазарру роҳати)

Куллиётни бир-бир варақлайман. Юрак хапқиради, кўнгли яйрайди, хайратдан тафаккур тошдай қотади.

Фигонимдан фалак гамгин, Сиришкимдан жаҳон рангин, На дардим ўтига таскин, На ҳажрим дардига дармон.

Бошим гам тошидин ёра, Таним ҳажр ўқидин пара, Кўнгли бу ёрага чора Топарга топмайин имкон!

Кўзим намлик! Бўйим ҳамлик! Сиришкимдан мотамлик! Не ҳамдамлик, не марҳамлик — Топиб бу мейхата пинҳон!

Магарким, Алишер Навоийдек валломат бир зотки, даврондан шу қадар шиква-шиқоят қилган экан, унда тўқизи фалак фарёд солиб, осмонларни ларзага келтириб, вола қилса, не-тонг дегинг келади.

Куллиётни охишта варақлайман. Барчаси ҳазойин ул-маоний — маънолар ҳазинаси, барчаси маҳбуб ул-қулуб — қалбларнинг дўсти, барининг қат-қатидан насойим ул-муҳаббат — муҳаббат шабодалари эсади.

Ҳамонки, галимиз ишқи илоҳийга бориб улланган экан, Навоий ҳазратларининг бу мавзуда ҳам ўзига хос ўқтамлик ва эҳтирос ила қалам сурга-

нига гувоҳ бўламиз. Ҳазрат аввало буюк мутафаккир, қолаверса, нақшбандия тарихининг тарафдори ва етук мутасаввуф сифатида «Насойим ул-муҳаббат» номли шоҳ асарини яратди.

Таассуфки, қизил тил бор экан, маломат ўлмас, деганларидек авлиё шoir барибир таъна тошларидан қутулмади.

«Муножот»ни қайта-қайта хатм қилиб, каминана шундай ҳаёлларга бордим. «Муножот» Навоийнинг шоҳ асарларидан бири. У ҳажман кичик, лекин ундаги ҳар бир сўз гавҳардек порлаб турибди.

«Муножот» — Ҳақ даргоҳига сафар тадоригини қўриб қўйган кекса до-нишманднинг кўнгли рози, илтижоси. Зикр — жон роҳати, дейдилар. «Муножот» бир умрга Яратганга зокир бўлган, шокирликни икки дунё саодати деб билган валлиуллоҳ зотининг дил афғони, тазарруси, истиғфори.

То насли башар маъжуд экан, токи дилимизда калимаи таъхид барқарор экан, буюк бобомизнинг «Муножот»и кўксимизни имон нури ила қарогон этиб тураверари.

Саъдулла СИЁЕВ.



Шундан кейин

ГўДАКЛАР УЧУН ЯНГИ МЕЪЁР

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти болалар вази ва бўйи ўсиши бўйича янги жадвалларни эълон қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, муқаддам тавсия қилинган меъёрлар 15-20 фоиз ошиқроқ кўрсаткичлардан иборат экан.

БЕФУБОР КАБУТАРЛАР

Шаҳар кабуатарлари парранда гриппи тарқатувчиси бўлиши эҳтимолдан анча йироқ экан.

Америкалик тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, бу қушлар бошқа қанотлилар учун гоёт хавфли вирусни ўта кам ҳолларда ва жуда қисқа муддатга юктириши мумкин.

НЕВАРА ҲАМ...

Исроилда россиялик 69 ёшли авлиё ўз неварасини ўғрилашда айбланмоқда.

Хуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг таъкидлашича, бу авлиё унинг қизи беш йил аввал қизалоқни отасидан олиб қочиб, дастлаб АҚШга, кейинроқ эса, Россияга жўнаб кетишган.

ПАРВОЗДАГИ КОМЕТА

Май ойи ўрталарида Ердан бир неча миллион километр нарида Швассман-Вахман 3 кометасининг парчалари учиб ўтди.

Астрономлар сўнгги бундай яқинлашув 1983 йилда руй берганини эъти-роф этишмоқда. Ушанда Ирас-Арака-Ольжок кометаси янада ақинроқ масофада учиб ўтганди.

ҲАҚОРАТЛИ НОМ

Исроилда таниқли киноактёр Том Круз ўз қизига берган исмдан хайратланишмоқда.

Авалроқ Круз ўз қизини Сури деб номлаган ва ивритда бу «малика» деган маънони англатишини айтганди.

Уртачирчиқ туманидаги Нодира номли 45-мактаб томонидан 2001 йил 20 июнда Гулямов Хамид Ахмаджонович номига берилган О'Р-А 1142120 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 2001 йил 23 январда «Инфосистема» МЧЖга берилган FN 0528470 (рўйхат рақами 05-022125) рақамли корхона рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов туманидаги «Миллий ҳунармандчилик» хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампни йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидаги «Давр-Хизмат» ишлаб чиқариш ва савдо шўъба корхонаси (ОКПО 17286236) ТУГАТИЛАДИ.

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Байроқтол қўчаси, 15-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: 398-90-24.



Қарилик гашти.

Изаат ЙУЛДОШЕВ сурат-лаваҳаси.

Китоб жавонингизга

«ИШОНЧ»

Ангренлик кекса шоир Усмон Эгамбердиннинг «Ишонч» шеърлар ва ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди.

Усмон ота — 40 йил конларда ишлаган муҳандис. Мана эллик йилдики, у шеърят бўстиридан дуру гавҳар териб юрибди.

Мухандис шоир ушбу тўпلاميда ҳам ишқ-муҳаббат, бахт ва баҳор қувончларини жушқин сатрларда таранум этибди.

«САҲНА ОРТИДАГИ ҲАНГОМАЛАР»

Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг шеърларини, ҳикояларини севиб ўқигансиз. Саҳна асарларини театр залларида ўтириб томоша қилгансиз.

«Ҳар қандай ишга қўл ур-ганда инсонда ният бўлади: ният холис бўлса, иш хайрлик», дейдилар. Менинг ниятим актёрларнинг ўзаро ҳазилларини шунчаки кулги тудуриш учунгина эмас, балки санъаткорларимизнинг феъл-атворидаги олижаноблик, самимият, топқирлик ва ҳозиржавобликни намойиш этиш бўлди.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ.

Қурилиш ташкилоти раҳбари Эшонкул Фармонқуловичнинг пайтавасига кўрт тушган. Тўйчиобод қишлоғида бошланган мактаб қурилиши тўғрисида қўнғил одамларини меҳр ва саждақ билан қуйлайди.

— Ассалому алайкум, Эшонкул Фармонқулович. Соғлиқларингиз яхшими? Уйда — янгам, бола-чақа омонми? — Валайкум ассалом, Боқивой ука. Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Энди Эшонкул Фармонқулович, менга бугун сал эртароқ жавоб берсангиз. Қирқ йиллик кадрдон дўстим тўй қилаётганди. Шунга бориб келсам, девдим.

— Энди Эшонкул Фармонқулович, менга бугун сал эртароқ жавоб берсангиз. Қирқ йиллик кадрдон дўстим тўй қилаётганди. Шунга бориб келсам, девдим.

— Энди Эшонкул Фармонқулович, менга бугун сал эртароқ жавоб берсангиз. Қирқ йиллик кадрдон дўстим тўй қилаётганди. Шунга бориб келсам, девдим.

— Шунга, шунга, — Эшонкул Фармонқулович шундай қайта-қайта такрорлади-да, қўшларини чимириб турган Адолатхоннинг шахло кўзларига қараб, бироз юмшайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

— Ҳўш, ишлар қалай? Ҳамма жой-жойидами? Энди ука, гап бундоқ, мактаб қурилишини тезлатмасак бўлмайди.

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVA... Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ... Телефонлар: 133-40-48, 133-58-85, 136-53-54. Манзиллимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.